

**ВАЛЕОЛОГИК ТАМОЙИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЁШЛАР МАҚСАДЛИ ГУРУХИДА СОҒЛОМ
ҲАЁТНИ ШАКЛАНТИРИШ**



Иргашев Шухрат Бойсович, Файзиева Нозима Нуриллаевна, Мамадалиева Улмас Ибрагимовна,
Туляганова Камола Абдурашидовна, Алимова Дилзода Ибрагимовна
Тиббиет ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОЙ ЖИЗНИ В МОЛОДЕЖНОЙ ЦЕЛЕВОЙ ГРУППЕ ПОД
ВЛИЯНИЕМ ВАЛЕОЛОГИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ**

Иргашев Шухрат Бойсович, Файзиева Нозима Нуриллаевна, Мамадалиева Улмас Ибрагимовна,
Туляганова Камола Абдурашидовна, Алимова Дилзода Ибрагимовна
Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников,
Республика Узбекистан, г. Ташкент

**FORMATION OF HEALTHY LIFE IN THE YOUTH TARGET GROUP UNDER THE INFLUENCE
OF VALEOLOGICAL PRINCIPLES**

Irgashev Shukhrat Boisovich, Fayzieva Nozima Nurillaevna, Mamadalieva Ulmas Ibragimovna, Tulyaganova
Kamola Abdurashidovna, Alimova Dilzoda Ibragimovna
Center for the Development of Professional Qualifications of Medical Workers,
Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: info@tipme.uz

Резюме. Аҳоли орасида саломатликни тиклаш ва соглом авлодни барпо этиши йўлида тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга профилактик тадбирларни такомиллаштириши зарурати юзага келган бўлиб, бу йўналишида ижсобий натижаларга эришиб келинмоқда. Соглом оиласи шакллантириши ва уни ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашида фаол иштирок этиши бугунги кун раҳбарларининг кундалик вазифасидир.

Калим сўзлар: соглом оила, саломатликни шакллантириши, ижтимоий-иқтисодий вазифалар, ёшларнинг хулқ-автори.

Abstract. On the way to restoring health and building a healthy generation among the population, there is a need to improve preventive measures of medical and social importance, and positive results are being achieved in this direction. The formation of a healthy family and its active participation in ensuring its positive and economic stability is the daily task of today's leaders.

Keywords: Healthy Family, Health formation, socio-economic tasks, behavior of young people.

Оила – бу икки ёш ва улар катта бўлган оиласида саломатликни тиклаш ва соглом авлодни барпо этиши йўлида тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга профилактик тадбирларни такомиллаштириши зарурати юзага келган бўлиб, уни етук икки шахс томонидан барпо этилиши давлат ва жамиятга етарли дараҷада фойда келтирувчи иттифоқдир. Жамиятимизда ёшларга, уларнинг билим олиши, шахс сифатида шаклланшига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзмирлар аввал мактабда ва сўнгра ёшлар гурухига ўтганида олийгоҳлар ва ёки меҳнат коллективлари билан ҳамкорликда касб танлаш ва жамиятда ўз ўрнини топишга қаратилган билим ва кўнімалар билан қамраб олинади. Билим бериш жараёнида инсон ўзлигини англаш, ҳаётда

яшашдан мақсади нима эканини белгилаш, тартибли ва самарали ҳаёт стилига эга бўлиши осон вазифа эмас. Бу йўлда баъзи инсонлар қоқилади, адашади ва уларга тўғри йўл кўрсата олиш ва ҳаётий принципларни барқарорлаштириш зарурдир.

Ёш оила мақсадли гурухида иш олиб борилганда valeologik тамойилларни кенг қўллаш натижасида ижсобий натижаларга эришиш мумкиндири. Аввало, ёшларга оила вазифалари таништириш лозим, оиласида қуйидаги вазифалар фарқланади: ташкилий, иқтисодий, хўжалик, тарбиявий, яратувчанлик, жинсий ва репродуктив саломатлик, valeologik.

Ташкилий вазифа. Оилани ташкил этишда қарор қабул килиш масаласи, асосий ташаббус кимга тегиши?! Бу оила ўзаро хурмат ва севги асосида қурилиши, оилани кейинги ҳаётий синовлардан ўтиб мустахкам оила сифатида шаклланиб боришига кучли таъсири кўрсатади. Ўзаро севги ҳиси ва ўзаро хурмат албатта инсондаги баъзи камчилик ёки етишмовчиликларга сабр қилиш, шукроналик, тартибли ҳаётга интилиш каби холатларни ривожлантиради. Ёшлар ўзи пайдо қилган янги оиласига туғилиб ўсган оиласидаги ўзаро мулокот моделларини билан киришадилар, шуни айтиш керакки ҳар доим ҳам ушбу моделлар янги оиласига тўлақонли тўғри келмайди. Ёшлар орасида ўзаро мулокот кўнникмаларини шакллантириш орқали самарали ёш оила мулокот моделларини яратиш лозимдир. Мулокот моделларининг ривожланишида интелектуал, руҳий ва жисмоний муносиблик ва эҳтиёж назарияларидан келиб чиқкан холда ёндошмоқ керак. Инсон ўзининг ва турмуш ўртоги (яқин қариндошлари)нинг ҳаётий эҳтиёжларини англаши ва уларни ўзаро бошқариш орқали ҳаётда олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни терангроқ англайди ва пировардида исталган орзудаги ҳаётга эриша бошлайди. Афсуски, ушбу бир қарашда оддий тушунчаларни англаш учун бир неча қийин ва баъзida оғрикли турмуш йиллари яшаб ўтилади.

Ёш оиласи шаклланиши лозим бўлган яна бир муҳим вазифа, бу яратувчанлик вазифасидир. Ёшлар ўзининг кичик оиласи қадриятларини шакллантириб боришилари керак. Бу илк учрашув жойини эслаш, илк мусиқага тушилган ракс ва ёхуд шунга яқин инсонларни ўзаро эмоционал боғлайдиган холатлар бўлиши мумкин. Яратувчанлик оиласига доимий ривожланиб янгиланиб борувчи вазифаси эканлигини унитмаслигимиз керак. Ёш оила мисоли рассомнинг хали қўли тегмаган варагидир. Бу вароқга эса қанчалар ёрқин ранглар берилиши тўлиқ икки ёш ва қисман унинг атрофидаги инсонларга боғлик.

Хўжалик вазифаси. Бизнинг жамиятилиздаги ёзилмаган қонунлардан бири бу оиласи эркак ва аёлнинг хўжалик билан боғлик ролидир. Эркак кишига хўжалик ишлари билан шуғулланиш ярашмайди у оиласига асосий даромад манбаи бўлиши лозим ва аёл киши уйда фарзанд тарбияси билан банд бўлиши ва уй юмушларини бажаришига бўлган талаб хали хануз юқори фоиз оиласарда кузатилади. Бу оиласидаги хўжалик ишларининг таксимланиш модели эскириб бормоқда, бугун кўпроқ аёллар маблағ топиш имконияти давлат томонидан ҳам қўллаб қувватланмоқда. Эркаклар хўжалик ишини енгиллатиш мақсадида замонавий технологияларни уйида жорий этиб келмоқдалар.

Бу барчаси замонавий Ўзбекистонда оиласига янги формаси, тенг хуқуқли аъзолар орасидаги итифоқ шаклланаётганини кузатишмиз мумкин. Оиласарнинг ажримига сабаб бўлаётган учинчи шахс аралашуви таъсири ҳам аста секин камайиб боради, биринчидан етук шахслар томонидан ташкил этилган оиласида қарор қабул қилиш бошқа инсон зиммасига юклатилмайди, иккинчидан оиласидаги маънавий муҳит доимий равишда мустахкамланиб боради.

Иқтисодий вазифа. Оила ўз бюджетига эга ва ундан оқилона фойдаланиш кўнникмаси шаклланган. Оила эҳтиёжларини шахсий эҳтиёжи каби юқори даражада хурмат қиласан қараган инсонлар албатта келажакда иқтисодий жиҳатдан баркамол ва мустақил оиласига айланиш даражаси юқори бўлиб, ўзаро келишилган холдаги харидлар ва оила бюджетини режалаштириш ўз навбатида оиласида вужудга келиши мумкин бўлган бир қатор ижтимоий муаммоларнинг ҳам ечимида сабаб бўлиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан молиявий саводхонликка эга бўлмаган инсонларнинг турмуш куриши бу келажакда оиласига ижтимоий жиҳатдан қийинчиликларга чидамсизлигига, стрессдан чиқиш йўлларини билмаслиги эса зарарли одатларнинг ривожланиши ва бу эса ўз навбатида ажримларга сабаб бўлиши мумкин.

Репродуктив ва жинсий саломатлик вазифаси. Ҳар бир оила ўзидан ақли расо, жисмонан соғлом ва бакуват авлод қолдиргиси келади. Бизнинг жамиятдаги асосий ургу фарзанд кўриш ва унинг тарбиясида оиласига ролини юқори белгилайди. Миллатимизга хос қадриятлар, ҳомиладор аёлни асраб авайлаш, парваришлиш, болани эъзозлаш каби удумлар аёл учун ушбу даврни унитилмас ҳаётий қисмига айланади. Фарзанд пайдо қилишда соғлом ота ва оналик тамойилларини қўллаш лозим бўлиб, кутилаётган меҳмон ҳам албатта соғлом туғилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Соғлом авлодни соғлом ота-она яратиши ойдек равшан бўлганидек, болалар орасидаги оралиқни ҳам саклаш шунчалар муҳимдир. Аёл киши ҳомиладорлик ва кўкрак сути билан эмиш вақтида организми томонидан йўқотилган микроэлементлар етишмовчилиги тўлиқ қопланиши зарур. Янги ҳомила ҳам соғлом ижобий муҳитда ривожланиши, исталган бўлиши ва яшашга имконияти юқори таъминланиши зарур. Аёл киши айнан ҳомиладорлик ва кўкрак сути билан эмиш вақтида организмида темир моддаси, витамин А, В гурӯҳ, Д, Е, РР етишмовчилиги, кальций ва цинк етишмовчилик холатлари кузатилади. Буларнинг барчасини табий ёки сунъий йўл билан тўлдириш мумкин бўлиб, поливитаминлар шаклида оиласидаги поликлиникалар томонидан ҳомиладор аёллар

учун давлат ҳисобидан бепул етказиб келинмоқда. Жинсий саломатлик хакида маълумотлар, сабоқлари чекланган бўлиб, аҳолининг асосий кўмакчиси турли сайтлар ва асосиз маълумотлар базалари бўлиб, баъзида жинсий ҳаёт хақида билимсизлик ҳам оиласидаги келишмовчиликларнинг асосига айланади. Ачинарлиси эса чет элда меҳнат миграцияси билан банд аҳолининг жинсий эҳтиёжларининг ўзгариши ва оиласидаги ушбу эҳтиёжларнинг қониқтирилмаслиги ҳам долзарб руҳий ижтимоий муаммони келтириб чиқармоқда.

Оила вазифаларини изоҳлар эканмиз валиеологик вазифаси ҳақида кўпроқ тўхтамоқчимиз. Валиеологик ёндошууда маънавий, руҳий, жисмоний ва тиббий тамойиллар таъсири ўрганилади. Ҳар бир тамойилнинг ўзига хос тақорралнамас стандартлари мавжуд бўлиб, улар ёрдамида ёш оиласинг барча мукаммал ривожланишида ёрдам беради, бу стандартлар қуидагилардан иборатdir:

Маънавий тамойил га хос бўлган стандартлар: маълумотга эга бўлиши (билим), масъулият, дунёқараши, умуний маданият, комилликка интилиши.

Руҳий тамойил – бу биринчи навбатда инсон руҳиятидир, ҳар бир одамнинг индивидуал таъсирчанлигини, сезги ва хиссиётларини аниқлайди, уни шакллантириш ва такомиллаштириш ҳаёт сифатини ҳамда давомийлигини таъминлайди. Шунинг учун ёш оила мисолида ушбу тамойилга хос стандартлар қуидагилардан иборат: *сабр-бардоши* (чидамлилик), *жонкуярлик*, *тартиб-интизом*, *эътиқод*, *вижедон*, *иймон*, *хушмуомалалик*.

Жисмоний тамойил - организмга бўладиган турли индивидуал жисмоний юкламаларни аниқлайди, булар болалиқдан меъерий тарзда шакллантирилиб, саломатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда мунтазам ва тизимли олиб борилиши керак. Ушбу тамойил СТТШда маънавий ва руҳий тамойиллар билан уйғунликда олиб борилади, шунинг учун асосий стандарти: *Жисмоний баркамолликка интилиши* ҳисобланади.

Тиббий тамойил ноинфекцион касалликларнинг хавфли омилларига қарши профилактик чора-тадбирлар билан бирга соғлом овқатланиш ва сексуал саломатлик муаммоларини кўриб чиқади. Шу билан бирга, ҳаёт тарзининг шакллантиришнинг энг асосий вазифаларидан бири ўз *саломатлигига масъулият* ҳисобланади, олдинги айтиб ўтилган барча тамойилларнинг стандартлари ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Шунинг учун, ушбу тамойилда сўнгги натижани яъни ўз *саломатлигига масъулият* масаласининг ечимини топиш лозим.

Шу билан бирга ёш оила қуруш учун бешта омил муҳим аҳамиятга эга: *жисмоний, моддий, маънавий, жинсий ва руҳий омиллар*.

1. Жисмоний омил - жозибадорлик, ёқимтойлик – бундай муносиблик “*юракнинг жисиз этиши*” жисмоний баркамоллик ва ташки кўринишга боғлиқ бўлади. Юзнинг чиройи, қадди қомат, овоз оҳангি, хулқ атвори, нутқи, мимика, жестикуляция, кийиниши маданияти ижобий ҳис ҳаяжон уйғотади.

Биринчи учрашувдаёқ жисмоний омил қарор қилишга ундейди ва ҳаёт давомида ўзининг ижобий, ҳатто салбий томонларини узоқ вақтгача сақлаб қолади.

2. Моддий омил - ҳар иккала томоннинг имкониятлар даражасини моддий жихатдан баҳолаш. Бунда ҳар бир оила қуришга дайвогар ўз эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда талаб қўяди, бу жуда юкори ёки енгил талаблар бўлиши мумкин.

Ушбу омил бозор иқтисоди шароитида янада кенг тарқалиб бормоқда. Шу билан бирга бу омил ҳар бир шахснинг қадрияларни белгилаш даражасидан келиб чиқади.

3. Маънавий омил - ушбу омил жуфтликнинг интеллектуал-маданий эҳтиёжларидан келиб чиқади, уларнинг дунёқараши, тарбияси, ички дунёси билан баҳоланади.

Бу борада жуфтликнинг маънавий ривожланиш даражаси, ҳаётдаги қадриялари муҳим аҳамият касб этади. Оилавий баҳт учун зарур бўлган соғлом турмуш тарзини шакллантириш маънавий, интеллектуал ва эстетик қадрияларга асосланади.

Агар бир-бирини севувчи икки инсоннинг маънавий дунёси мос келсагина улар бир-бирини тўлиқ равишида тушунади ва қўллаб қувватлайди.

Оиланинг маънавий ҳаёти бу жуфтликнинг нимага қизиқиши ёки қайси соҳа эгаси экани, илмий йўналишлари ва уларнинг ўзига хос қадриялари билангина чегараланмайди, балки уларнинг бир-бирларини ўзаро тушунишида акс этади. Оила мустаҳкамлигига маънавий дунёнинг мослиги, ички дунёнинг ўхшашлиги, маданият даражасининг шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шундай ҳолатда жуфтлик бир-бирининг фикрини тўғри тушунади ва қўллаб қувватлайди, уларнинг бой маънавияти туфайли ҳаётдаги турли тўсиқлар, қийин вазиятлардан чиқиб кетиш чораларини биргаликда излаб топади. Оиланинг маданияти ривожланиб юксалиб боради, бу ўзаро муносабатларда кўринади.

4. Жинсий омил, бу иккала жуфтлинг интим ҳаётини ифодалайди. Уларнинг жинсий эҳтиёжларининг ва дунёқараашларининг мос келиши иккита мезон билан баҳоланади:

А) Жинсий конституцияси турига караб мослиги;

Б) Жинсий мулоқот турининг мослиги.

Агар жуфтлик жинсий томондан мос келмаса баҳтли ва мустаҳкам оилани шаклланиши қийин кечади, ҳатто ажримлар билан тугайди. Бироқ, оила фаровожнлигини фақатгина битта омил билан баҳолаб бўлмайди, лекин уларнинг аҳамиятини ҳам инкор этиш қийин.

Замонавий сексопатология жуфтларнинг жинсий томондан муносаблик таълимотини яратди. Яратилган қатор назариялар жинсий яқинликни ифода этиб баъзи кўрсаткичларни қамраб олади.

Оилада гормония ва фаровон мухитни яратиш учун иккала жуфт бир-бирига қизиқарли бўлиши учун, ҳаётдан зерикмаслик учун бир-бирини ҳоҳиш истакларини тушуниши ва қўллаб қувватлаши лозим. Бундай билим ва тушунчалар ёшларга оила қуришга қадар етказилиши лозим. Ҳозирги замондаги жинсий муносабатларга нисбатан турлича қарашлар, хулқ атвон омиллари, тарбия даражаси, ёндошувлар, ахборот ва гайритабиий муносабатлар ёшларнинг ўзаро жинсий ҳаётида дезадаптацияга олиб келади. Мазкур ўта нозик масалада юқори савиядаги маданий муносабатлар шакллантирилсанына жуфтлик орасида мустаҳкам ришталар вужудга келади.

Руҳий омил - бу жуфтликнинг руҳий томондан мос келиш муаммоларини ифодалайди, яъни нафақат характер хусусиятлари балки эмоционал (эҳтирос) ҳолатларини қамраб олади. Руҳан мослашув ва никоҳдан қониқиши, ўзаро

симпатия ва дунёқарашиб даражасига боғлик бўлади.

Узок муддатли мустаҳкам муносабатларнинг шаклланиши, бир-бирини тушуниб қўллаб қувватлаш, жуфтларнинг ўзига хос хусусият ва индивидуаллигини саклаб қолиши, бурч ва вазифаларини чукур англашетишида руҳий омил катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

- Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли фармони «Ўзбекистон—2030» стратегияси.
- Иргашев Ш.Б. Валеология - превентив тиббиёт асоси. Дарслик. Тошкент, 2023 й.

ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОЙ ЖИЗНИ В МОЛОДЕЖНОЙ ЦЕЛЕВОЙ ГРУППЕ ПОД ВЛИЯНИЕМ ВАЛЕОЛОГИЧЕСКИХ ПРИНЦИПОВ

*Иргашев Ш.Б., Файзиева Н.Н., Мамадалиева У.И.,
Туляганова К.А., Алимова Д.И.*

Резюме. На пути к восстановлению здоровья и формированию здорового поколения среди населения возникает необходимость в совершенствовании профилактических мероприятий, имеющих медицинское и социальное значение, и в этом направлении достигаются положительные результаты. Формирование здоровой семьи и ее активное участие в обеспечении ее позитивной и экономической стабильности - повседневная задача современных лидеров.

Ключевые слова: Здоровая семья, формирование здоровья, социально-экономические задачи, поведение молодежи.